

1992  
йил  
27 апрель  
(56)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хафталик газетаси

## МЕХНАТҚАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ – 1 МАЙ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ

ҚАДРЛИ ака-үкалар, опа-сингиллар, ватандошлар!

Асримиз бошларида ёк асос солинган меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни – 1 май яқинлашиб келяпти. Ўнинг асл маъноси меҳнаткашлар ва деҳқонларнинг ўз хукуклари, социал кафолатлар учун курашидадир. Халқлар сўзда эмас, амалда ўз хәётларини гаровга тикиб, ўзларининг меҳнат килиш хукукларини, эркин яаш, ўқиши дам олиш хукукларини, колаверса инсоннинг инсон бўлиш хукукни химоя қилгандар.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатни бошқарнишнинг марказлаштирилган тизими халқларнинг азалий хукуклари рўёба чиқшига тўскиллик килиб келди. Республикамиз марказнинг деҳқончилик хом-ашё томорқасига айлантириб қўйилган ва у барча ҳәётий муҳим масалаларни мустакил ҳал этишга, ўзининг ва ўз фарзандларининг муносаба келажагини таъминлашга ожиз эди. Маданиятимиз, адабиётимиз, тилемиз, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз соҳталаштирилди, кишиларнинг диний хис-тўйгулари оёқ ости қилинди. Республика уни янада кўпроқ мутеникка соладиган тарзда бир ёклама ривожлантирилди.

Бу узок вакт давом этиши мумкин эмас эди. Халқ ўн йиллар давомида чинакам озодлик ва мустакиллик тўғрисидаги ҳар қандай тушунчани исканжага олиб келган занжирларни парчалаб ташлади.

Ўзбекистон Республикасини бутуқ жаҳон таъноларни, БМТга тўла хукукли азбо бўлиб кирганлиги давлатимиз мустакилларнинг кафолати бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўрток И. А. Каримов инсон хукуклари тўғрисидаги Хельсинки Декларациясини имзолаганлиги эса инсон хукуклари ва эркинлиги муҳофаза этилишининг гарови бўлди.

Ога-инилар ва опа-сингиллар! Энди бизнинг олдимизда ниҳоятда мушкул вазифа — мислив сайди — ҳароатлар эвазига эришилган ютукларимизни сақлай колиши, химоя қилиш ва мустаҳкамлаш визифаси турибди. Биз жуда кийин даврни бошдан кечиряпмиз. Биз Биринчи майни танглик кучайган, иктиносидёт парондага бўлиб кетган, сабж ССРдаги миллиатлараро ва Республикалараро муносабатлар кескинлашган даврда кутиб оляпмиз. Биз инсонлар ҳәйтидек бебаҳо бойлини йўқотиш қайғусини чекяпмиз. Барча даврлар ва халқлар учун муқаддас бўлган «Тинчлик» ва «Дўстлик» сўзлари бир қанча минтақаларда портлаётган бомба ва снарядлар овози остида бўғилашти. Илгари етти ухлаб тушимишга кирмаган «кочоклар», «инсизлар» деган сўзлар пайдо бўлиб колди. Миллионлаб меҳнаткашлар, уларнинг оиласари, пенсионерлар, нигонлар, ёшлар, талабалар ва болалар фойт оғир аҳволда колдилар. Яаш учун, омон колиши учун, кун кўриш учун машаккатли курш кетяпти.

Лекин биз бу байрамни шу кийинчилик ва

кулфатларни енгамиз, деган умид билан кутиб оляпмиз. Ишончимиз комилки, ҳалқ дошишманлиги, деҳконлар ва зиёдларнинг ахил тутувлиги, бир-бирини тушуниши ва чинакам бирдамлиги ҳар қандай зўравониклардан устун келади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари барча меҳнат, фан, адабиёт ва санъат ахлини, хотин-қизиларимизни ва ўзларни, бутун республика ахолисини Биринчи май байрами, баҳор ва бунёдкорлик байрами билан табриклиб, шу билан бирга инсоният тақдиринга, рўйи замидаги Тинчлик тақдирига бефарқ қарамайдиган барча кишиларга мурожаат килади ва уларни ўзининг бутун меҳнатини, маҳорати ва ақл-идроқини инсонпарвар жамият куриш, ҳалқ фарованиеликни ошириш, ҳалқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, тинчлик ва тотувликни карор топтириша бир ёқадан бош чиқарб ҳаракат қилишга эришиш учун барнилашга даъват этади.

Биз мулкчиликнинг қандай турига мансублигидан қатъи назар, барча корхоналар, жамоа ва дават хўжалинлари, уюшмалар, кооперативлар раҳбарларини ўзларининг бутун саъ-ҳаракатларини ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга, меҳнатга лаёқатли ахолини ўз билан оқилона таъминлаш дастурларини амалга оширишга, жамиятда ижтиёйиҳ аҳиллик кафолатини яратишга чакиралими.

Биз давлат ташкилотларига, ҳокимиятларга, ижрони ҳокимияти вакилларига мурожаат киламиз ва уларни ўзлари тузган иккى томонлама битимлар асосида меҳнаткашларнинг ва бутун республика ахолисининг социал-иктисодий хукуклари ва маънавий мағнафати химояланишини таъминлаш юзасидан таъсиридан амалий чора тадбирлар кабул қилишга даъват этамиз.

Биз ижтиёйи-сиёсий ташкилотларни, ўзлар ҳаракатларни республикамиз фуқароларнинг мағнафатлари ва келажаги йўлида, жаҳонда инсонпарварлик, меҳр-мурувват, ижтиёйи адолат қарор топиши, миллий худбинликка ва миллиатлараро мажороларга йўл қўймаслик, меҳнаткашлар ва ёшлар чинакам байналмил руҳда тарбияланишини тақомиллаштириш йўлида тенг хукукли ва оқилона ҳамкорлик қилишга чакиралими.

Биз тинчликни, ҳалқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустахкамлашга хизмат килувчи ўзаро мағнафатли ҳалқаро иктиносидёт, илмий ва маданий алоқаларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаймиз.

Кадрли ватандошлар! Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаммағизини ва ҳар бирингизни Биринчи май байрами билан, баҳор ва меҳнат байрами билан чин қалбдан самимий кутлади, шу байрам кунларida Сизларга мустахкам соглилар, фарование ҳаёт, турмушнинг тинч ва осойишига, тотувликда кечинин тилайди. Ижодий меҳнатингизда муввафакият ва инсоний баҳт сизга ёр бўлсин!



Сурхондарё. Деҳқон эрта баҳорда дала айланар экан, бир кафт тупроқни қўлига олиб, эзғилаб кўрганини, юзига босиб, ҳидлаганини, сўнгра кафтини-кафтига уриб, «бай-бай, ер роса етилибди-да, чигит қадаса бўлади» деганини эшитганимисиз? Дарҳаккат, уфқисиз далаалардан ховур кўтарилиб, атроғга кишини масть қилувчи баҳор таровати, тупроқ таровати тараалмоқда.

Шеробод районидаги «Шеробод» давлат ҳўжалиги бободеҳқонлари ҳам бундай дамларни ганимат билиб, она тупроқка барака уруги — чигит қадашга киришдишлар. Яшил ниҳоллар бехато униб чиқсан, азаматлар!

Суратда: механизатор Чори Раҳматов ва сеялкачи, меҳнат фаҳриси Чори Жумаевлар иш устида.

Сураткаш: И. ҲУЖАЕВ (ЎЗА)

## ИШОНЧ ФОНДИГА

ПАХТАКОР шаҳридаги ҳўжалик ҳисобида ишловчи Қўйтош ичимлик сув билан таъминлаш участкаси касаба уюшмаси кўмитаси йигилишида март ойида йиғилган азольик бадали — 700 сўмни тўлалигича «Ишонч» газетаси фондига ўтказишга карор килинди. Бу маблаг газетанинг мунтазам чиқиб туришига мадад бўлсин, дейишиди участка ишчилари. Бу химматдан бизни участка касаба уюшмаси кўмитаси раиси Салим Икромов хабардор килди.

Ўзбекистон саноатининг кимё тармолари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ғаиси Нематијла Қосимовдан ҳам дилларни қувонтирувчи хушхабар олдик. Тармол ходимлари ўзлари севган газетани маддий жихатдан кўллаб-кувватлаш максадида унинг ҳисобига 12 минг сўм ўтказишибди.

Газета билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келаётган журналистлар Илхом Фозилов ва Эркин Маликов «Ишонч»нинг 14, 17-сонларида ўзлон килинган материаллари қалам ҳакини муҳарририят фондига тақдим этилар. Қийин дамларда газетани ҳар томонлама кўллаб-кувватлаётган саҳи жамоалар ва «Ишонч» ҳамроҳларига дил ташаккурини изҳор этамиз. Улар кўрсатган намуна бошқарни ҳам саҳоватга ундаса ажаб эмас.

## ҲАМҚАСБИМИЗ ТАБРИКЛАЙДИ

**«ИШОНЧ» газетаси** ҷиҳази бошлаганига бир йил тўлиши муносабати билан «Кўлъи́тру́» газетаси таҳриригат ҳайвоти аъзоси, ташқали журналист ва давлат арабби Вилор Ниёзматов ўйлаған табрик шошилинчномасида шундай дейлади: «Хўрматли Тўлқин Мұхиддинович! Шонли сана — газета бир ўзи тўлган кун билан Ҷизни ва иноқ жамоанғизни чин дилдан кутлайман, ҳамда энг яхши истакларимни ўйлайман. Сизларга янги ижодий парвозлар, журналистига хос топқирилик, энг муҳими соглиқ-саломатлик тилайман».

## «ИШОНЧ» ВАЪДАСИГА ВАФО ҚИЛАДИ

Биринчидан, 1992 йилнинг қолган ойлари учун «Ишонч» газетасига обунани яна бошладик.

Якка тартибдаги обуна нархи 1 ойга — 8 сўм

68 тийин;

6 ойга — 52 сўм

08 тийин;

1 ойга — 13 сўм;

6 ойга — 78 сўм

килиб белгиладик;

Иккинчидан, муассаса ва корхоналарнинг 1992 йил учун тўлаган обуна пуллари февралдаёқ тугаганига қарамай, мухарририятга тушган ва тушаётган маблағлар эвазига бу йилги обунани 1 юнгчига етказишибда ваъда берамиш. Лекин йилнинг иккинчи ярми учун янгидан обуна бўлишга тўғри келади;

Учинчидан, якка тартибдаги обуначилини мизга

сўзимиз аввалидик — битта. ОБУНА СИЗЛАРГА ЙИЛ ОХИРИГАЧА ТУХТОВСИЗ ЕТКАЗИЛАДИ. Фақат, маъзур тутинг, ноиложлик тифайли бир илтимосимизни етказишибда мажбурмиз — имкониятингиз бўлса, баҳоли-кудрат бизни кўлланг, қуйидаги ҳисобга пул ўтказинг:

• ТОШКЕНТ ШАҲРИ, УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ, ДЕҲҚОНЧИЛИК БАНКИДАГИ 000363601 — ҲИСОБ ВАРАҚАСИ «ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИГА ТЕГИШЛИ, БАНК КОДИ 17268403;

Тўртнинчидан, кўпгина газеталар обунаси нархини ўрганиб чиқкач, ҳар сафаргилик обуна нархларини энг арzon килиб белгиладик. Обуна нархини бундан ҳам озайтириш имконияти бўлмади. Омон бўлсан ана шундай кун ҳам келади.

АЗИЗЛАР, оғир куннингизда оғир куннингизга яраётганингиз учун СИЗЛАРГА қуллуқ қиласиз.


«ИШОНЧ» МУҲАРИРИЯТИ.

СИЗГА мурожаат қилавериб, эҳтимол ғашинағизни келтириб ҳам қўйдик. Лекин на илож, бугунгача, мухарририятимиз бир муҳим тўхтовга кела олмаяпти. Нарх-наво яна ошадими ё йўқми — ҳеч ким айтолмаяпти. Шу боис биз ҳам иккиланиб ётибмиз.

Аммо зўр ифтихор ва миннатдорчилар билан шуни айтишимиз керакки, ҳозирги иктиносидёт оғир кунн

ларда бизга ҳам маддий, ҳам маънавий ёрдам қўйни чўзган ўртоқлар ва ташкилотлар сони ортиб бормоқда. Касаба уюшмалари бу савобли ишда бошқош бўлмоқдалар.

Муассисининг ва «Ишонч» мухлисларининг катта бердамини, мухарририят жамоасининг бир жон, бир тан бўлиб ишлаб топаётган маблагларининг таҳминий ҳисобини чўтлач чиққа:



# СИНАЛГАН КУЧЛАР ҚАЙТА БИРЛАШСИН

СССР парчаланиб, мустақил ҳамдүстлик давлатлари қарор топган ҳозирги шароитда касаба уюшмалари умумий конфедерациясига эхтиёж қолдимикан, деган савол кўпчиликни қизиқтириб келарди. Унга Москвада бўлиб ўтган касаба уюшмалари умумий конфедерациясининг IV пленуми жавоб берди. Конфедерацияга аъзо бўлган касаба уюшмалари марказларининг вакиллари конфедерация раиси В. П. Шчербаковнинг кейинги икки пленум ўртасида бажарилган ишлар юзасидан қилган маърузасини таҳлил этдилар ва касаба уюшмалари ҳаракати марказининг бундан бўёнги тақдирни хусусида фикрлашдилар.

Пленумда сўзга чиқсан нотиқлар мустақил давлатлар касаба уюшмалари марказлари билан илгари ўрнатилган яхши алоқаларни тиклаш ва давом этириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишда биргаликда ҳаракат қилиш лозим деган, фикрни билдирилар. Биз янги демократик асосларда, ҳозирги ижтимоий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда бирлашишимиз керак. Мустақил ҳамдүстлик давлатлари ҳам ўзларининг 12 та давлатлараро қўмиталари ва комиссияларини тузиб, энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш йўлларини белгиламоқдалар.

Яқинда мустақил социологик хизмат ходимларининг саволларига жавоб берган касаба уюшмалари фаолларининг 76,5 фойзи яхlit касаба уюшмаси бирлашмаси бўлиши зарурлигини эътироф этди. Улар касаба уюшмалари маркази бўлиши керак, чунки бошлангич ташкилотлар касаба уюшмалари учун йўл кўрсатадиган, муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган, керак бўлса, айборларни уларнинг лавозимига қарамай тартибга чақирадиган марказ керак, деган фикрни айтдилар.

Пленумда шундай воқеа эсга олинди. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Мурманск вилоятида яшаб, кон-металлургия комбинатида ишлаб, 2-гурух ногирон бўлиб қолган киши тақдир тақозоси билан ҳозир Кримда истиқомат қиласди. 1991 йилнинг декабридан бери унинг қариллик пенсиясига ишлаб чиқариша ногирон бўлганлиги учун кўшимиҳа ҳақ тўлашмаяти. Сабабини сўраса, сиз ногиронликни бошқа давлат худудида олган-

сиз, ҳозир эса ўзга давлатда яшяйпсиз, деб жавоб беришибди.

Бундай ҳолатларда давлат идоралари каби халқаро касаба уюшмалари бирлашмаси ҳам ўз ҳукуқ ва имкониятларини ишга солиши керак.

Пленум иштирокчилари бизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ҳолатина эмас, балки, бошқа ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳам давлатларимиз ўртасидаги яхlit касаба уюшмалари ҳаракатини сақлаб қолиш зарурлигини тақозо этмоқда, деган фикрни билдиришди. Янги халқаро ташкилотнинг Низоми муҳокама қилинди.

Пленум касаба уюшмалари умумий конфедерациясини касаба уюшмалари халқаро бирлашмасига айлантириш ҳақида қарор қабул қилди.

Касаба уюшмаларининг умумий конфедерацияси касаба уюшмалари халқаро бирлашмаси сифатида ўз фоалиятини тан олинган халқаро ҳукуқ талабларига мувофиқ тарзда тўла мустақилликка кафолат ва бирлашмага кирувчи касаба уюшмаларининг яхlit тенг ҳукуқлиги асосида олиб боради.

У бошқа давлатларнинг касаба уюшмалари бирлашмалари, шунингдек, бошқа касаба уюшмаларининг аъзо ёки аъзо эмаслигидан қатъий назар ҳар қандай халқаро тармоқ касаба уюшмалари бирлашмалари учун ҳам очиқдир. Касаба уюшмалари умумий конфедерациясига аъзолик унга аъзо бўлиб кирган касаба уюшмалари бирлашмаларининг мустақиллигини чегаралаб қўймайди.

Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси меҳнаткашлар, ўқувчи-ёшлар ва пенсионерларнинг тинчлик ва демократия манбаатларини ҳимоя қилиш учун халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари, ижтимоий-иқтисодий ва инсонпарварлик масалалари билан шуғулланувчи БМТ маҳсус муассасалари билан ҳам хамкорлик қилинга тайёрdir. Касаба уюшмаларининг умумий конфедерациясига кирувчи касаба уюшмалари бирлашмалари унга халқаро касаба уюшмаси бирлашмаси сифатида аъзо бўладилар ва касаба уюшмалари умумий конфедерациясигадаги шериклари билан халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида Баёнот ва касаба уюшмалари конфедерацияси Низоми асосида иш олиб борадилар.

Пленумда мазкур Баёнотни Беларус, Узбекис-

тон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тажикистон касаба уюшмалари марказларининг раҳбарлари, шунингдек, 38 та тармоқ касаба уюшмалари ва бирлашмаларининг вакиллари имзоладилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари номидан Баёнотни Узбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов имзолади.

Пленумда Туркманистон, Украина, Озарбайжон, Молдова касаба уюшмаларининг вакиллари кузатувчи сифатида қатнашдилар.

Пленумда қизғин муҳокамадан сўнг, касаба уюшмалари умумий конфедерациясига янги таҳрирдаги Низоми тасдиқланди. Шу билан касаба уюшмаларининг умумий конференцияси кенгаши ўз ваколатуни туттади.

Куннинг иккинчи ярмида касаба уюшмаларининг янги ташкилоти касаба уюшмалари халқаро бирлашмасининг конгресси иш бошлиди. У касаба уюшмалари Низомига ўзгартиришлар киритди ва тасдиқлади. Қабул қилинган янги Низомга биноан касаба уюшмалари халқаро бирлашмаси ўз таркибида кирадиган касаба уюшмалари ташкилотлари учун аҳборот, илмий-тадқиқот ва маслаҳат ёрдамлари кўрсатади, халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари, ижтимоий-иқтисодий ва инсонпарварлик масалалари билан шуғулланувчи маҳсус халқаро муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатишида уларга кўмаклашади.

Конгрессда ташкилини масала кўрилди. Касаба уюшмаларининг халқаро бирлашмаси раислигига бир овоздан Владимир Павлович Шчербаков сайданди, унинг бириччи ўринбосари этиб И. Ю. Юргенс, ўринбосарлари этиб Г. С. Баштанюк, В. В. Кузьменок ва С. И. Крамаренко сайдандилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашидан касаба уюшмалари халқаро конгрессига 14 нафар киши вакил қилиб кўрсатиди. Ўзбекистонлик касаба уюшмалари фаолларидан 3 нафари эса тармоқ касаба уюшмалари халқаро уюшмалари ҳисобидан конгрессга вакил этиб кўрсатиди.

Касаба уюшмалари халқаро бирлашмасининг олий органи бир йилда бир марта чақириладиган конгресс ҳисобланади. Конгресслар оралиғида халқаро бирлашманинг фаолиятини Ижроия қўмита бошқарип боради.

А. НИ҆ЗОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгашининг  
Аҳборот ва тарғибот  
шўбаси мудири.

Чернобиль ҳалокати халқимиз бошига тушган катта фожеа эканлиги эндиликда яна ҳам аниқ сезилияти. Миллиардлаб сўм маблағ унинг домига фарқ бўлди. Минг-минглаб оилаларининг тинчи бузилди. Не-не норғул ўйгитлар ярим жон бўлиб қолди. Улар орасида факат украин, беларус, рус фарзандлари эмас балки ўша даҳшатли кунларда Чернобиль зонасида ҳарбий хизматни ўтаган, кейинчалик ҳалокат оқибатларини тугатишида иштирок этган юртдошларимиз ҳам бор эди. Бу оқ қўнгилли кишилар ўша кунлар азобини эди тортомоқдалар. Кўплари нурланиш оқибатида майиб-мажрух бўлиб қолдилар, бевакт ҳаётдан кўз юмдилар.

Чернобилда зиён кўрганларни социал ҳимоялаш йўлида бирор чора-тадбир кўрилаётми? Мухиришимиз шундай савол билан ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаши иқтисодий ислоҳат, социал кафолот, меҳнаткашларнинг ҳукуқ ва манбаатларини ҳимоя этиш комиссияси раиси ўринбосари Хулкар Баҳодирович ЖАМОЛОВга мурожаат этди. Чунки муҳарририятимизга келаётган кўпгина хатларда ҳам шу масала юзасидан тушунтиришлар бериш илтимос килинган эди.

— Ҳақиқатан ҳам Чернобиль ҳалокати — аср фожеаси бўлди, — деди Хулкар Баҳодирович. — Унинг зарбаси олисдаги регионларга ҳам таҳдид солди. Ҳалокат оқибатларини тугатишига сабоб иттифоқнинг барча халқлари кўтарилди. Ўша зонада хизмат килаётган ҳарбий хизматчилар, кейинроқ сафарбар этилган мутахассислар ва бошқа соҳа вакиллари кўзга кўринмас ажал билан юзма-юз олишдилар. Шу олишувда уларнинг кўпчилиги бир умрга дардчил, ногирон бўлиб қолдилар. Бундай кишилар республика мизда ҳам талайгина.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгаши ва «Чернобиль» кўнгилли жамияти ҳалокат оқибатларини тугатишида иштирок этган юртдошларимизни социал ҳимоялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни яна ҳам кучайтириш юзасидан ҳукумат олдига бир катор таклифлар билан чиқдилар. Шу таклифлар инобатга олинниб, республика Олий Кенгаши Раёсати ва республика президенти хуриди Вазирлар Мажкамаси шу йил 6 апрелда маҳсус карор қабул килдилар. Унда Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикаси истиқомат килувчи фуқароларни

## ЧЕРНОБИЛДА ЗИЁН КЎРГАНЛАРГА...

социал ҳимоялаш чоралари аниқ-равшан ифодалаб берилиди.

Карорга мувофиқ зиён кўрганлар ҳақидаги маълумотларининг давлат рўйхатини тузиш ишлари бошланаятти. Унга 1986 йилда заарлашган зонада муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳам киритилади. Бу тоғифадаги фуқароларга стационар даволаниш чориғи парҳез таомлар ва дори-дармонлар таъминоти бўйича бепул берилади. Ҳар йили санаторий ва курортларда бепул даволанадилар ёки курорт йўлланмаси ўртача киймати микдорида компенсация пулларини оладилар. Бундай ташкари улар ясама тишларни бепул тайёрлатиш ва тузиши ҳукукига ҳам эгадирлар. (Кимматбахо металлардан тайёрланган ясамалар бундан истиноси). Мехнатга вактинча лаёқатсиз бўлиб қолган тақдирда ойлик маош микдорида нафақа оладилар,

ган товон пули ва имтиёзлар ҳусусида батафсилроқ тўхтаб ўтишга тўғри келди. Бундай кишиларга дори-дармонлар врачанинг рецепти бўйича бепул берилади. Ҳар йили санаторий ва курортларда бепул даволанадилар ёки курорт йўлланмаси ўртача киймати микдорида компенсация пулларини оладилар. Бундай ташкари улар ясама тишларни бепул тайёрлатиш ва тузиши ҳукукига ҳам эгадирлар. (Кимматбахо металлардан тайёрланган ясамалар бундан истиноси). Мехнатга вактинча лаёқатсиз бўлиб қолган тақдирда ойлик маош микдорида нафақа оладилар,

Туар-жой масаласида ҳам бир катор имтиёзлар берилади. Агар улар туар-жой шароитини яхшилашга муҳтож деб топилса устун даражада туар-жой майдони ёки қўшимча хона билан таъминланадилар. Квартира ҳақининг эса 50 фойзини тўлдишадилар. Чернобиль аварияси натижасида ҳалок бўлганлар, нурланиш касаллиги

туфайли вафот этганлар ва вафот этган ногиронлар оилаларига иситиш, электр куввати, водопровод, газдан фойдаланганлик учун белгиланган ҳакнинг 50 фойзи чегириб ташланади. Марказлаштирилган иситиш тармоғига эга бўлмаган уйларда яшовчилар учун эса сотиб олинган ёқилғи микдорининг 50 фойзи тўланади.

Зиён кўрганларнинг пенсия таъмитидан ҳам бир катор ўзгаришлар бўлди. Аввало, ўта зарарли ва ўта оғир шароитларда ишлаган ходимлар учун конунчилик хужжатларига мувофиқ назарда тутилган имтиёзли шартларда қариллик пенсияси эркаклар учун 50 ёшга тўлиб 20 йиллик иш стажига эга бўлган тақдирда, аёллар учун 45 ёшга тўлиб 15 йиллик иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади. Қариллик пенсияси ёшига етакч қўшимча равишда қариллик пенсиясининг камиди 30 фойзи хажмиди қўшимча оладилар.

Нурланиш касаллиги чалинган шахсларга ва ногиронларга бериладиган имтиёзлар ва тўловлар факат шулардан иборат эмас. Улар турли хил солиқлардан озод этиладилар, биринчи навбатда уй-жой, телефон билан таъминланадилар, фойзиз ссуда оладилар, турли хизматлардан навбатсиз фойдаланадилар. Агар карорни ва унга илова килинган рўйхатни ўқиб чиқсанги барча хил имтиёзлар ва тўловлардан яна ҳам тўларок бахар бўласиз.

Карор нусхаси жойларга юборилган. Шу асосда июль ойигача Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрганлар ҳақидаги маълумотларининг давлат рўйхатга ташвишчилади. Рўйхатга тушканлар зарарланиш даражасига қараб имтиёзлардан баҳраманд бўладилар. Такдирчи Чернобиль фожеаси билан боғланган кишилар вилоят ва район чернобилчилар уюшмасига бориб ўzlари хакида тўла маълумот берсалар рўйхатга олиш ишларини тезлаштиришга ёрдам берган бўларилар.





**X**абарингиз бор, 1991 йилнинг декабрида Президентимиз Фармонига мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя килиш юзасидан тадбирлар қабул қилинган эди. Шундан келиб чиқиб пенсионерлар тўғрисида гапирадиган бўлсақ, аввало, меҳнат нафақаларининг энг кам микдори 70 сўмдан 350 сўмга етказилганлигини, яъни нафақа пули 5 баробарга оширилганлигини, 1992 йил 26 марта Фармонига мувофиқ эса 550 сўмга етказилганлигини қайд этишимиз лозим. Бу тадбирнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини аниқ тасаввур қилиш учун нафақа таъминотидаги ахволни айтиб ўтиш лозим.

Бизда умуман 2 миллион 500 минг киши нафақа олади, уларнинг 1 миллион 700 мингдан кўпроги қарилек нафақаси оловчилардир.

Қарилек нафақасини оловчи пенсионерлардан 1 миллион 400 минг киши ишламайди, улар учун нафақа кун кўришнинг асосий ва кўпгина ҳолларда бирдан-бир манба ҳисобланади. Ўтган йили қарилек нафақасининг ўртача микдори 100 сўму 32 тийинни ташкил қиласди, 780 минг пенсионер ҳатто энг кам микдорда — 70 сўм нафақа олади. Шу боисдан пенсионерлар Президентнинг янги Фармонларини ўзларига кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ва эътибор деб қарши олдилар.

Эндилика минглаб пенсионерлар уй-жой ҳақиға, коммунал ҳизматларга (сув, газ, электр энергия, иссик сув) ҳақ тўлашда, бир қанча енгилликлардан, транспортлардан бепул ёки имтиёзли юриш ҳукуқидан, дори-дармонлар учун ҳақ тўлашда, санаторий ва курортларда даволанишда имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Бир йил муқаддам болаларга нафақалар тизими ислоҳ қилинган эди. Илгари амалда бўлган қонунга биноан болалик оиласарларга иккি турдаги йиллик нафақа тайинланарди. Биринчиси, болалик оналарга нафақа бўлиб, у 4 ва ундан ортиқ

кам микдори 70 сўм ўрнига 350 сўм қилиб белгиланди. Шунга кўра 1992 йилнинг 1 январидан меҳнат стажи бўйича нафақа оловчиларнинг пенсияси 350 сўмга етказилди ва 1992 йил 1 январидан юкорида айтилган Қонун тўлиқ жорий қилинди.


Ҳисоб-китоб қилинганда ҳам кўпчиликнинг пенсияси 350 сўм бўлди. Аммо иш ҳақида ҳисоблаб чиқилса, 20—25 йил учун 55 фоиз ва қолган ҳар бир йилига 1 фоиздан қўшимча берсак, 350 сўмга етмаган нафақалар бор.

Демак, 450—460 сўмгача бўлган иш ҳақи билан ҳисобланган нафақа (75 фоизи) ҳамма вақт 350 сўм бўлди. Бундай ҳолда энг кам микдордаги нафақа менимча, аҳолининг ҳукуқини чеклаб қўядиган адолатсизлик эмас.

1992 йили 26 марта Фармонга биноан эндиликда (1992 йил 15 марта) иш ҳақлари ва пенсияларнинг энг кам микдори 550 сўм қилиб белгиланиши муносабати билан 2,5 миллионга яқин пенсионерларнинг пенсиялари қайта ҳисобланаб 550 сўмга етказилди. Шу муносабат билан пенсионерларга қараб туришлик, уларнинг қарамоғидаги меҳнатга қобилиятызиз оила аъзоларига бериладиган қўшимчалар ҳам ўзгарди.

Иккинчидан, Республика Президентининг Фармони ногиронларни, уруш катнашчиларини, қарамоғида меҳнатга қобилиятызиз болалари бўлган қарилек нафақаси оловчиларни ижтимоий ҳимояни юриш ҳукуқидан, дори-дармонлар учун ҳақ тўлашда, санаторий ва курортларда даволанишда имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Иккинчидан, Республика Президентининг Фармони ногиронларни, уруш катнашчиларини, қарамоғида меҳнатга қобилиятызиз болалари бўлган қарилек нафақаси оловчиларни ижтимоий ҳимояни юриш ҳукуқидан, дори-дармонлар учун ҳақ тўлашда, санаторий ва курортларда даволанишда имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.



# Дилякаш сұхбаттар

ИШОНЧ

«ДИЛКАШ СҰХБАТЛАР» рукни остида Моварауннаң диний идорасы тәзлим-тарбия вазири Мұхаммадлатиф қожи Жумаев билан үншитилген олдинги сұхбаттарда одоб-ахлоқ, адолат, фарзандтарбиясы билан боғлиқ мұаммолар устіда бағс юритилген эди. Вазир билан жамоатчи мухбиirimiz Эркін Маликовнинг бу галғы сұхбати поклик ва ҳалоллық, диённат ва ҳамият каби фазилаттарга Ислом мүносабати хусусида борди.

**МАЛИКОВ** — Тақсир, исломда энг диённатлы, энг ҳамиятты, ҳалол ва пок кишиларни бир сұз билан—солиҳ, солиҳа дейишади. Шундай дейилдими бас, бошқа таърифу тавсифта үрин қолмайди. Ҳозирги кунда ана шу сўзлар аста-секин тил муомаласига кириб келяпти. Аммо байзан биз уни ўрни-ўчоғидаги ишлатмаёттандекимиз. Бунга байзи одамларнинг усталық билан тусини ўзгартирини, никобланиши панд бериб қўяёттандек. Чунки исломга қайтиш билан дили бошқа-ю, тили бошқа, илми бошқа-ю, амали бошқа одамлар кўпайиб кетди. Оллоҳнинг уйн бўлган — масжидга турли-туман одамлар келиб, саждага бош қўйишиятини. Уларнинг ҳаммаси ҳам солиҳ одамлар эмаслигини сезиб турамиз. Фашимиз келади. Лекин «Юз амри ширин» деганларидек бир нима дея олмайди. Шу, солиҳ ва солиҳаликнинг ҳам ўз чегаралари бўлса керак?

**ЖУМАНОВ** — Эътирофларингиз тўғри. Ва бу ҳақда бугун бағс юритишнинг айни пайтидур. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, биз сиз билан солиҳ ва солиҳа кишининг мезони учка ёки бунча дега олмайди, чунки бизнинг назаримизда яхши кўринган нарсалар бошқаларнинг назаридаги бўлди тувиши мумкин. Солиҳ ва солиҳалик ўлчови одамларнинг ўлчови билан эмас, балки Оллоҳнинг ўлчови билан ўлчанади. Бу ҳақда Куръонда, ҳадисларда кўплаб кўрсатмалар бор.

Аввало солиҳ сўзининг мазмунини билиб олайлик. Солиҳ бу — арабча бўлиб, яроқли деган маънени билдиради. Яъни бу одам бандачиликка яроқли, худонинг кулчилигига яроқли, лотийк одам дегани. Демак худонинг кулчилигини, бандачилигини бажарган эркак киши солиҳ, аёл киши солиҳа дейилади.

**МАЛИКОВ** — Тақсир, шу ерда «кулчилик», «бандачилик» каби сўзлар мазмунига кенгрок тўхтальсангиз. Нега деганда бу сўзларга ҳозирга бошқача тус бериб келинган. Улуғлашдан кўра тахкирлашга яқин.

**ЖУМАНОВ** — Диндан узоклашиб кетганимиз учун шунақа тор маънода тушунадиган бўлиб колинган. Дин дегандага биз номоз ўқиш, худойи килиш, муллани қақириб садақа бериш деб тушунганимиз. Кулчилик, бандачилик деган сўзларнинг маъносини эса умуман тушунмаймиз. Кулчилик, бандачилик одам туғилгандан то ўлгунча бошдан кечирадиган амаллардир. Бу амаллар исломий ўрсатмаларга мувоғик бўлиши керак. Ва бу кўрсатмаларнинг барни исломда мавжудидир. Масалан дейлик, оила қуриш учун канака шартларга амал хилиш керак? Эркак киши канака бўлиши керагу, аёл киши канака бўлиши даркор? Пайғамбаримизнинг айтишлари, аёллар тўрт нарса бўйича эркак кишига никоҳланадилар: Биринчиси — динига караб, иккинчиси — насибига караб, учинчики — бойлигига караб ва тўртингиси — гўзалигига караб. Пайғамбаримиз ана шу сифатларни санай туриб аввали: «Сен аёлнинг диндорини топгин, ана шунда муввафқият қозонасан» деганлар. Демак, мусулмон кишининг умр йўлдоши албатта мусулмон бўлиши керак экан. Кўяпсизми, биринчи ўринга унинг дини кўйилади. Аёлнинг гўзаллиги, бойлиги, насиби кейнинг ўринга кўйиляпти. Энди пайғамбаримиз аёллар учун күёв танлашга ҳам тўхталиб, бир саҳобага шундай деганлар: «Сен қизингни берадиган бўлсанг, ахли солиҳ йигитга бергиз. Ахли солиҳ бўлса, қизингга зулм қўйлади, ҳудодан кўрқади» деганлар. Шу ўринда бир ҳикоятни айтиб ўтиш жоиз деб биламан. Бир мусулмон одам яхудий билан қўшини экан. Мусулмон одамнинг қизи улгайиб колибди. Шунда у яхудий бўлсаям кўшини сана маслаҳат солибди. «Эй, кўшини дебди у,— қизимни қандай одамга узатсан экан?» Яхудий айтиби: «Агарда биз яхудийларнинг феълини қиладиган бўлсанг қизингни бойга берасан, христианларнинг феълини қиладиган бўлсанг, амалдорга берасан, мусулмоннинг феълини қиладиган бўлсанг, тақводорга берасан, деган экан. Шундай килиб, мусулмон қўшини тақводорни қидирганды экан ва қизи баҳтли ҳаёт кечираган экан.

**МАЛИКОВ** — Шу ерда яна бир нарсанини тушунтириб берсангиз. Ҳозир сиз тақво, тақводор деган сўзларни ишлатдингиз. Бу сўз ҳам юкорида таъкидлаганимиздек, кора дафтарга тушган сўзлардан. Одамлар тақво, тақводор деса манмансиш, тумшуғини осмонга кўтариш, ўзидан бошкани менсимишдиган тоғфадаги одамларни тушуннишиди.

**ЖУМАНОВ** — Тақво дегани арабча сўз бўлиб — сақланиш, асраниш дегани. Буни ҳазрати Умар ҳам тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Улар шундай дейдилар: «Агарда бир киши тиконзордан ўтадиган бўлса, этагини кўтариб, ҳеч бир ерига тиканак теккимай ўтиш, бу — тақво» дегани деб тушунтирилганлар. Бунинг маъноси шу-

риб олиб яна тақводорман деган кишининг оиласида солиҳ фарзандлар дунёга келмайди. Аксинча бундай одамлар гуноҳкордирлар. Динни соғловчи эмас, балки булғовчилардир. Ҳатто тарихда шундай пайғамбарларимиз ўтганки, улар подшо даражасига кўтарилганлар, аммо хазинадан насиба емаганлар. Ўз меҳнатлари билан тириклилар қилганлар. Масалан, Довуд пайғамбар темирчилик қилган.

**МАЛИКОВ** — Демак солиҳ ва солиҳа бўлиш меҳнат қилиш, ҳалол бори, кийиш ва ибодатдан иборат экан. Энди исломда тавба қилиш ва шу йўл билан солиҳлик йўлига киришлик ҳам бор. Бу кўпроқ тили ва дили котиб қолган, гуноҳкорлар қаторига қўшилиб қолган кишиларга хос сифатлардир. Тавба қилиш билан қонни тозалаш, гуноҳлардан фориғ бўлиш, покланишнинг йўли қандай кечади? Шундайлар борки, кечаги ёмон иллатларидан воз-кечиб, солиҳлик йўлига киради. Аммо унинг солиҳлигига шубҳа билан қаровчилар пайдо бўлади. «Ўғри қариса сўғи бўлади» дегандек. Ва шундай деб устиларидан очикдан-очик кулишади. Бунисига нима дейиз?

**ЖУМАНОВ** — Исломда айтиладики, Оллоҳ таоло бандасининг тавбасини қабул қилади, қачонки, жони чиқай деб ҳалқумига келиб қолмаган бўлса. Унинг неча ёшлигига гап йўқ. Майли у 50 да тавба қилсан, майли у 20 ёшида тавба қилсан, майли у 80 ёшида тавба қилсан, лекин жони ҳалқумига келиб қолмаган бўлсан. Энди тавба қилгандай астойдил иккинчи шу гуноҳни тақрорламайман деб Оллоҳга ёлборсин ва тавбасига содик қолсан. Шундагина Оллоҳ уни ўз маҳфиристига олади. Исломда иккиси нарса бор: бирни Оллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиш, иккинчиси Оллоҳнинг азобидан кўрқиши. Бу — мусулмончиликнинг энг зарур шартларидан биридир. Шу иккиси фазилатнинг биридан маҳрум бўлган одам солиҳ ёки солиҳа бўла олмайди. Менинг гуноҳларим кўп, ёшим ҳам бир жойга бориб қолди, энди Оллоҳ гуноҳларимни кечмайди дейиш мусулмончиликка зиддир. Еки бўлмаса мен 80—90 йилдан берисига тақводорман, бегуноҳман дейиш ҳам мусулмончиликка кирмайди. Шунинг учун ҳам айтадиларки, бир кун умрингиз қолган бўлса ҳам жон ҳикилдокқа кельмасдан тавба килинг. Оллоҳ кечиради. Кечиргувчидир. Алломалар сўзини эсланг: «Бирорнинг ҳолига қилма назора, агар тангри азиз қилса на чора».

Масалан, Сўғи Оллоҳнинг ҳайтини олинг. У одамлар орасида Сўғи Оллоҳ бўлиб танилгунча қушбегилиқ қилган. Унинг номини эшитиш билан йигләйтган бола йигидан тўхтаб колган. Шунака камчинидан қон томган, ҳаҳри каттиқ, конҳўр одам экан. Бирдан инсофа келиб, сўғи бўлиб танилгун. Энди тавба қилгандай ҳақиқий тавба қилиш керак. Исломда тавба-Насух деган гап бор. Бу Насух деган одамнинг номи билан борлиидир. Бу шундай ривоят қилинади:

Бир Насух деган одам бўлган экан. Унинг белидан юқори қисми аёлу, кўйи қисми эрқак тақлид экан. Эрқакман деб эрқакларга қўшила олмас экан, аёл бўлиб аёлларга қўшила олмас экан. Аммо у сочлари узун, юз қўринишлари аёлга ўхшаган бўлғанлиги учун аёллар ҳаммонида ҳадими бўлиб ишлар экан. Қийими унинг эрқаклик сирини беркитиб тураркан. Бирок у ҳадми қилиш пайтида бирорнинг тақводориға тажовуз қиласкан. Ожизалар эса сири фош бўлиб қолишидан кўрқиб, бу сири ҳеч кимга айтишмас экан. У шу куйи 30 йиллик умрингизни ўтқазибди. Бирок кунлардан бир кун подшохнинг қизи ҳаммонга тушиб, узугини йўқотиб қўйибди. Узук бутун бўшни бир давлатнинг ҳирожига тенг, қимматбаҳо узук экан. Буни эшитган подшо ҳаммонга кирган аёлларнинг барини бирма-бир текширувдан ўтказиши фармон берибди. Бу гап Насухнинг қулогига этиши билан жон-пони чиқиб кетибди. Ахир, сири фош бўлдиган бўлса, уни қандай азоблар кутаётгандиги ҳақиқида ўйлади-да. У ҳаммомнинг бир хонасига кириб олиб, бошини тошга уриб, шунчалар тавба-тазарру қилибди; пешонасининг гўштлари титилиб, суюклари кўриниб, лаҳта-лаҳта қон оқибди. Оллоҳ унинг тавбасини қабул қилибди. Насухга навбат етайдеб битта одам колганда узук топилиб, Насух текширувдан омон қолибди. Шундан кейин у тавбасига вафо қилиб, бу ярамас ишларини ташлаб, солиҳлик йўлига кирган экан.

Мана, тавба-Насухнинг ҳикоятини эшитдингиз. Қимки Насухга ўхшаб астойдил тавба қиласа, ўзининг ёмон хулкларидан четлашса, майлида, у порахўр бўлғанми, киморвоз бўлғанми, арокхўр бўлғанми, зино ишлар билан шуғулланғанми, тавба қилиб, тавбасига амал қилса Оллоҳ гуноҳларидан кечиб юбориши ҳеч гап эмас. Яна Оллоҳнинг ўзи билади.

**МАЛИКОВ** — Гапларингизни тинглаб, ҳозирги кунда солиҳ ва солиҳаликнинг яшаш қанчалар душворлигини ҳис киляпман. Нимага десангиз, чоратроғни тиканаклар босиб кетганга ўхшайди; назаримда. Сабабчиси ўзимизмиз. Ҳаётни тиканка айлантириб юборган ҳам, сувларни, ҳаволарни заҳарлаган ҳам, умримизни кисқартрган ҳам ўзимиз. Энди тавба-тазарру қиласкан. Илоё амалимиз чинакам тақво бўлсан. Омиён!

## СОЛИХ ВА СОЛИХА

4-СУХБАТ



**СУРХОНДАРЕ** вилоят газетасининг 1991 йил 8-февраль сонида Шўрчи районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси Абрамат Менгбоевнинг кирдикорларини фош этувчи танқидий мақола босилиб чиқди. Раиснинг халқ мулкини талон-тарож қилаётганлиги, майший бузуқлиги бутун Сурхон воҳасига аён бўлган ўша кезларда колхозимизда ҳисобот сайлов йифилиши ўтказилди. Унда хўжалик меҳнат аҳли А. Менгбоев номзоди учун овоз бермади. Фақат бошқарув аппаратига ин қуриб олиб катта-кичик раҳбарлик лавозимида ишлаётган ўтизга яқин менгбоевчилар, яъни раиснинг қариндош ургулари ва яқинлари ўзлари учун керак бўлган А. Менгбоевнинг раис қилиб сайдилар. Сўнг «1989—1990 йиллар якунига бағишланган ҳисобот сайлов йифилиши бўлди, унда А. Менгбоев яқдиллик билан колхоз правлениеси раиси этиб сайланди» деб юқори ташки-

парранда чиқум қилинди. Ўша йили чорвачиликдан зарар кўриш бошланди. Барча соҳалар бўйича кўрилган 455 минг сўм зарарнинг 449 минг сўми чорва фермаларидан бўлди. Гўё чорва молларига «ўлат» ёпишганниш. Хўжалик бошқарувчи тармоқни канадек сўришга берилиб, ўмарининг энг мақбул усули чорва молларини чиқумга чиқариш ўйларидан жуда унумли ва усталик билан фойдалана бошладилар: Харом ўлди, колхозчиларнинг иссиқ оқватига берилид, колхозчиларга сотилди, деб акт тузилаверди. 1988 йилда 262 буш қорамол, 1069 буш қўй ва эчки, 7438 буш парранда, 384 буш чўчқа, бир бошйилкни чиқум қилишиб, чорвадан колхозга катта зарар келтирildar. 1989 йилда чиқум ўйли билан зарар яна қўпайтирилди. Харом ўлди, деб акт қилинган чорва моллари бозорда пулланди, брак қилинди деб ҳужжатлаштирилган ўзаро бўлиб олинди. 1990 йилда

га теккан. Бош чўпон Чори Муродов ҳисобида 58 та қўй камомади аниқланди. Ҳозир раис бу ишларни босди-босди қилиш билан овора.

Эҳ-хе айтаверсак охири адо бўлмайди. Идорага иссиқлик тармоғи ўтказилди, деб 18 минг сўм, машиналарга ёқилди. Ҳайкал қуриш учун деб 45 минг сўм сарфланганниш. Аслида эса олиб келинган ҳайкалнинг баъзи қисмлари далада ётиди. 1988 йилда қуриб битказилган ёқилғи қуриш станцияси иккى йил мобайнida ишлаб турди. Лекин колхозга бирон сўм ҳам кирим бергани йўқ. Кейинги вақтларда станция рабазага сотилди дейишяпти, аммо пули колхозга ўтиб келгани йўқ.

1987 йилнинг 6 январь куни 2250 килограмм гуруч (1800 сўмлик), 9095 килограмм картошка (2219 сўмлик), 3200 килограмм пиёз (416 сўмлик), жаъми 4435 сўмлик маҳсулотлар акт билан нотўғри чиқум қилинди. Ўша йилнинг 30 ноябрidda 1010 номерли ишонч қозози орқали Маҳсад Ботиров номига тайёрлор идорасидан 10320 килограмм картошка олинган бўлиб, у товуқ ва чўчқаларга берилид, деб қалбаки ҳужжатлаштирилди. 1448 килограмм маккажӯхори уруғи бошқа инвентарларга қўшиб акт қилиниб, Абдумурод Тошбоев ҳисобидан нотўғри чиқум қилинди. У пулга чақилса 4668 сўм бўларди.

Хўжалик мол-мулкини чиқум қилиш ўйли билан ҳисобдан чиқариб ўзлаштириш Абрамат Менгбоев бошчилигида ҳамон давом этапти. Қалбаки ҳужжатларнинг кўпи назардан яшириб келинапти. Юқорида биз қаламга олган ноқо-

## ЖИЛОВСИЗ

лотларга нотўғри маълумот юборилди. Бундан ниҳоятда дарғазаб бўлдик. Хўжаликка А. Менгбоев сайловсиз раис бўлиб олганидан норозилик билдириб, ҳақни жойида қарор топтиришини сўраб тегишли идораларга шикоятлар юбордик. Лекин бирон бир натижага чиқмади. Охири биз «Ишонч»га ишониб бор гапни қофозга тушириб юборишга мажбур бўлдик.

Гапни А. Менгбоев амал курсисига ўтирган пайдан бошламоқчимиз. Хўжалигимизда бош агрономлик вазифасида ишлаб юрган Абрамат Менгбоев 1984 йилда умумий йифилишда бошқарув раислигига сайланди. У «мен сизларнинг ишончларингизни оқтайман, ҳамма соҳалар бўйича белгиланган режаларнинг ошириб бажарилишини таъминлаш учун курашаман», деб халқ олдида вавъдалар берди. Вавъасига биноан иккى йил мобайнida бир мунча яхши ишлаб колхоз ишлаб чиқаришни ўнглашга эришид, колхознинг пул даромади ошиди. Аммо бу қувонч ўзокка чўзилмади. Нияти бузук экан, ўйлаб юрган режаларни зиддан амалга ошира бошлади. Биринчи навбатда ҳамма юқори ва ўрта бўғинга ўз қариндош-урӯзларини, ошна-офайниларини, яқин дўстларини раҳбар этиб қўйди. Улар билан танишиб қўйинг: Бош агроном — Маҳатов Ҳасан, амакиси Қарши Маҳатовнинг ўғли, бош мухандис — Ҳудойбердие Муродил — амакиси Ҳолмурод Ҳудойбердиеевнинг ўғли; бош зоотехник — Маҳсад Ботиров, марҳум қудаси Фани Ботировнинг уаси; чорва бухгалтери — Маҳатов Мамаюсон ва раис котиби — Маҳатов Чори, амакиси Қарши Маҳатовнинг ўғилари; қўйчилги фермасининг котиби — Ҳудойбердиеев Бахтиёр, амакиси Раҳмат Ҳудойбердиеевнинг ўғли; бригада бошлиғи — Боймирзаев Файзулла, қудаси; бригада бошлиғи — Бўронов Ўқтам, амакиси Бўрон Маҳатовнинг ўғли ва ҳоказолар.

Бош ҳисобчи Тўлқин Мамасоатов, бош иқтисодчи Нуриддин Ҳўжамуродов, раис ўринbosari Зиёда Шоймардановалар ҳам раиснинг арзандалари. Ҳуллас, колхоздаги катта-кичик раҳбарлик лавозимларни юқорида айтилганидек, А. Менгбоевга тегишли ўтизга яқин киши эгаллаган. Бирортасининг мушугини пиш деб бўлмайди. Раис бошлиқ ургў-аймоқлар бир бўлиб хўжалик мулкини кемира бошладилар. Улар хўжаликда даромад келтирувчи асосий тармоқлардан бўлган чорвачиликка ружу қилдилар. Колхозда 1986 йил охирида 532 буш қорамол, 2276 буш қўй ва эчки, 4645 буш парранда, 354 буш чўчқа бор эди. 1987 йилда 135 буш қорамол (32 сигир), 108 буш қўй ва эчки, 283 та чўчқа, бир буш йилки, 8595 та

АКС-САДО

## ҲУҚУКИЙ БИЛИМ КЕРАК

Мен «Ишонч»нинг материаларидан дарсларимда кенг фойдаланиб келмоқдаман. Газетанинг кейинги сонларидан бирда чиккан «Ҳазон бўлма, болалик» маколаси менда катта таассусот колдири. Муаллиф Эркин Шермонов бу маколада шу куннинг энг долзар мавзусини кўтариб чиқкан, шу сабабли 35 йиллик муаллим, барозанд

нинг отаси, Забиридан бобоси сифатида мен мақола юзасидан фикр билдиришни лозим ғопдим.

Дарҳаккат, жамиятимизнинг барча жабҳаларида инкоризоли холат юз бераётгани каби бораёттирилди. Мактабнинг айби шунда бўлмоқдаки, у болалар тарбиясига ҳам билимга ҳам талаби суайтириб юборди. Мактабларни

«демократиялаш» яъни имтиҳонни ўқувчиларнинг ўзлари таъланаси, кайси ўқитувчида ўқиши ҳам ўзларига ҳавола, ўқитувчи фаолияти ўқувчи баҳо берсин, 2 баҳолилар бўлса ҳам «синфидан — синфга кўчирилсан» деган гаплар ҳозирча ўзини оклавёттаги ўй, аксинча ўқувчиларнинг маъсльутиятини суайтириб, ўқитувчилар мавқеини пасайтириб кўймокда. Балки бу тадбирлар келажакда кўн келар, аммо хоziрча болаларнинг бундай «демократик» эркинликларга тайёр эмаслар.

Ўқувчиларга пухта ҳуқуқий билим зарур, аммо ҳуқуқшунослик фани IX синфда йил давомида 34 соатга ўрганилади ҳолос. Бу камлик килади. Шу сабабли бу фан IX синфларда хафтасига 2 соат, йил давомида 68 соат, XI синфларда эса тўла ўқитилса айни мудда бўларди. Шунда ёш авлод ўртасидаги жиноятлар камаярди, бола қадамини ўйлаб босарди.

Каримжон ҲАКИМОВ, Андижон вилояти, Ҳўжаобод районидаги У. Юсупов номли 22-мактаб ўқитувчиси.

## ТЕШИБ ЧИКДИ



Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг иқтисадий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган махсус рейд ва оператив тадбирлар натижасида давлат мулкини талон-тарож қилган ташмачи, чайқовчи ва жиноятчилардан жами 1 миллион 606 минг сўмлик пул-буюм мусодара қилинди. 1170 нафар чайқовчи ушланди. Улардан 598 минг 990 сўмлик пул-буюм мусодара қилиниб, 673 киши устидан жиноий иш қўзғатилди. Майда чайқовчилик билан шуғулланган 2968 кишидан эса 265 минг 634 сўмлик пул-буюм мусодара қилинди. Уларга 148 минг 750 сўм жарима солинди.

Савдо қонунларини қўпол равишда бузган ва харидорлар хақига хиёнат қилган 5018 нафар савдо ходими ушланди. Уларнинг 1136 нафари устидан жиноий иш қўзғатилди. 3882 киши эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Р. АКБАРАЛИЕВ.

Суратларда: Бойшармасининг иқтисадий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган махсус рейд ва оператив тадбирлар натижасида давлат мулкини талон-тарож қилган ташмачи, чайқовчи ва жиноятчилардан жами 1 миллион 606 минг сўмлик пул-буюм мусодара қилинди. 1170 нафар чайқовчи ушланди. Улардан 598 минг 990 сўмлик пул-буюм мусодара қилиниб, 673 киши устидан жиноий иш қўзғатилди. Майда чайқовчилик билан шуғулланган 2968 кишидан эса 265 минг 634 сўмлик пул-буюм мусодара қилинди. Уларга 148 минг 750 сўм жарима солинди.

Савдо қонунларини қўпол равишда бузган ва харидорлар хақига хиёнат қилган 5018 нафар савдо ходими ушланди. Уларнинг 1136 нафари устидан жиноий иш қўзғатилди. 3882 киши эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Р. АКБАРАЛИЕВ.


Суратларда: Бойшармасининг иқтисадий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходими, милиция подполковниги Л. Абдуллаев ва терловчи Д. Тўраев чайқовчилардан мусодара қилинган молларни кўздан кечирмоқда; мусодара қилинган моллар

Сураткаш Рустам ШАРИПОВ.

### • АНИКЛИК КИРИТИЛДИ

Газетамизнинг 1992 йил 20 апрель сонида Ўзбекистон давлат кимё концерни билан Ўзбекистон саноатнинг кимё тармолари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ўртасидан 1992 йил учун тузилган битим эълон қилинган эди. Шу битимнинг II бўлимида 2-хат боши кўйидаги таҳрида ўқилсан:

«Ишчиларга иш жойи ўйрикномасини ўзлаштиргани аниқлангунча лавозим маошининг ёки тариф ставкасининг 70 физобидан ҳак тўланади.»



Ўзбекистон Республикаси дехкончилик саноати мажмуй ходимлари касаба уюшмаси ҳётидан

Ахолининг ҳамма табақаларини ижтимоий-иктисодий жиҳатдан химоя килиш мақсадида турли вазирликларга қарайдиган вилоят дехкончилик саноати уюшмаси, пахта, дон маҳсулотлари, агрохимия хизмати кўрсатиш, «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмалари, кўрик хўжаликлар трести, сут-гўшт ишлаб чиқариш бирлашмаси билан 1992 йил учун келишув шартномалари туздик. Жойларда кичик корхоналар очиш, дехкончилик саноати уюшмаси ишини жонлантириш, ёрдамчӣ хўжаликларни ташкил этиш масалалари келишув шартномаларига киритилган.

Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисидаги конунни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиша биринчи галда кам даромадли ойлаларни, ногиронларни ижтимоий химоя килиш асосий масала килиб кўйилмоқда. Президентимиз фармонига биноан 1990 йилда 16440 оиласа янги ховли жой қуриш учун 3254 гектар, 1991 йилда эса 5142 гектар ер ажратилди.

Вилоят касаба уюшмаси тегишли вазирликлар олдига кам даромадли ойлаларга, ногиронларга, одий ишчиларга карз бериш, курилиш материаларидан ёрдам бериш, лойиҳалар билан тъминлаш ва ҳамдустлик мамлакатлари билан маҳсулот айирбошли хисобига курилиш жиҳозларини олиб келиш масалаларини кўйилмоқда.

Вилоят агросаноат мажмуй ходимлари касаба уюшмаси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иктисодий хукукларини химоя килиш борасида жамоа шартномалари асосий хўжат эканлигини эътиборга олиб, 1992 йил учун янги жамоа шартномалари кабул килиш бўйича бир катор ишларни амалга ошириди. Мирзачўл районидан Сенгизбоев номли (касаба уюшмаси кўмитаси раиси Қорабоев А.), Пахтакор районидан Абдужабборов номли (касаба уюшмаси кўмитаси раиси Мамашукоров А.), совхозлар, Жиззах районидан Уч-тепа пахта тозалаш заvodларининг жамоа шартномалари ва вилоят агросаноат уюшмаси билан 1991 йилга тузилган келишув-шартномалари йил бошида мутахассислар иштирокида чукур ўрганиб чиқилди ва тавсиянома тарикасида ҳамма бошлангич, район касаба уюшмаларига етказилди. Шу масала юзасидан жойларда амалий семинарлар ўтказилди. 1992 йил февраль ойида вилоят касаба уюшмасининг бўйлимлари тайёрлаган бозор иктиносидиётига ўтиш шароитида жамоа шартномаларининг ахамияти ҳақидаги материаллар вилоят газеталарида чоп этилиб, бошлангич касаба уюшмаларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Янги жамоа шартномалари вилоят касаба уюшмасига карашли 326 та хўжалик ва курилиш ташкилотларида

ҳамда ўрта маҳсус билим юртларида кабул килинди.

Вилоят бўйича 1991 йил режалари асосан бажарилиб, 200 миллион сўм атрофида фойда олинди. Жамоа шартномаларини қабул килганда асосий эътибор иктиносиди-рафбатлантириш фондларини ташкил этишига ва шу фондларнинг асосий қисмини хўжаликни ижтимоий ривожлантиришга сарфлашга келишиб олинган эди. Бу вазифа бажарилмоқда.

Маълумки жамиятимиздаги иктиносидий ҳаёт тобора кескин тус олмокда. Бозор иктиносидиётини ўрганиш, унинг муаммоларини ҳал этиш касаба

кўмитаси маълум ишларни амалга оширимокда. 1991 йили тармок касаба уюшмасиз бўйича даромадимиз 6.319.2 минг сўмни ташкил этди. Шу жумладан, аъзолик бадалидан 4.008.4 минг сўм, ахолига пуллик хизмат кўрсатишдан 701.3 минг сўм, 0,15 фонз ажратмадан 679.0 минг сўм даромад туши. Хўш, даромадлар нималарга сарфланмоқда.

1991 йили бизнинг агросаноат мажмуй ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси бўйича 2836 дона йўлланмалар касаба уюшма аъзоларига таркатилди. Марказий санаторийларга йўлланмалар сони кескин камайиб



жумладан ўлим билан тугаган баҳтсиз ходисалар 25 фонзга камайтирилди.

Меҳнатни муҳофаза килиш кабинетлари кўргазмали семинарларини Фаллаорол давлат хўжалиги ва Жиззах районининг Навоий вомли жамоа хўжалигига ўтказдик. Бу хўжаликларда ҳамма шарт-шароитлар яратилган бўлиб, намунали хисобланади. Жиззах курилиш материаллари комбинати бир йилда ҳар бир ишловчининг меҳнат муҳофазасига 519 сўм, вилоят пахтә саноати бирлашмасига карашли корхоналар 193 сўмдан маблағ сарф килдилар. Агарда ҳамма хўжалик ва ташкилотлар булардан ўринак олсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди. Чунки кишлоқ хўжалиги вазирлигига караши ташкилотларда бундай ишлар етарли даражада эмас.

Хозирги кунда жуда кўп муаммолар олдимида турибди. Негадир меҳнатни муҳофаза килиш бўйича тайёрланган конун лойиҳасини кўриб чиқирикага сурилмоқда. Шу боисдан вазирликлар бу масалага етарли аҳамият бермаятилар. Давлат тилида адабиётлар, қўлланмалар, коидалар чикмаяти. Меҳнат муҳандислари ролини, уларга бўлган талабни ошириш масаласи ҳам кўндаланг бўлиб турибди.

Агарда юқори ташкилот раҳбарлари меҳнатни муҳофаза килиш масалаларига яқиндан ёрдам берсалар, меҳнат техника нозирлари ўзлари берган тавсияномаларининг бажарилишини назорат килиб, бажармаган мансабдор шахсларга муросасиз бўлсалар, меҳнаткашларимиз олдида юзимиз ёруғ, тилимиз узун бўларди.

**С. МАЛЛАЕВ,**  
Дехкончилик саноати мажмуй ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кўмитасининг раиси.

## ЕЧИЛМАЙДИГАН МАСАЛА ЙУҚ

уюшмаларининг асосий вазифаларидан бўлиб колди. Пулнинг бозор муомиласида кадрсизланишини тўхтатиш, ҳар бир сўмни тежаш ва ундан ҳалк манфаати йўлида тўғри, самарали фойдаланиш талаб этилмоқда.

Хўш, бу масалада касаба уюшмалари қандай фаолият кўрсатаяти? Бу муаммони бартараф этиш йўллари кандай?

Касаба уюшмаларининг асосий даромад манбалари, асосан аъзолик бадаллари, хўжалик ташкилотларидан ўтказиб бериладиган 0,15 фонз ажратма ва ахолига пуллик хизмат кўрсатишдан келадиган даромад хисобланади. Олинган ҳамма маблағлар йил бошида белгиланган смета асосида кўйидаги тадбирлар учун харажат килиниши мумкин.

Касаба уюшмалари аъзолари ва уларнинг ойлалари учун маданий дам олишнинг турли хил йўлларини ташкил этиши, шу жумладан, табиат кўйнига чиқиш, яқин шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, бепул концерт, цирк ва бошқа томошалар кўришни уюштириш, янги ойлаларни табриклиш, болалар учун турли хил спорт тадбирларини ташкил этиши, янги йил арафасида ўтиришлар ташкил этиши, китоблар совфа этиши каби тадбирлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Касаба уюшмаларининг ҳар бир сўми ийғилиш қарорига асосан харажат килиниши керак. Бу соҳада бизнинг Жиззах вилояти агросаноат мажмуй ходимлари касаба уюшмаси

кетганлигини хисобга олиб, маҳаллий курортларга, санаторий-профилакторийларга ва пансионларга қўшимча йўлланмалар сотиб олдик. Хусусан, Ўра-тепа пансионатига 600 дона, Марказий шаҳарларга поездда саёҳат килиш учун 1150 дона йўлланмалар берилиди. Айни кунларда ёзги таътилда болалар дам олишини яхши ташкил этиши учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ихтиёризмидаги 14 та кашшофлар оромгохи бу йил ҳам иктиносидий кийинчиликларга карамаедан 7 мингта болани қабул килиб олади.

Жиззах республикамизнинг энг навқирон, табиати гўзал вилоятларидан бирини хисобланади. Ташкил қилинганига эндиғина 20 йил тўлган бўлишига қарамай бу ерда бир қатор қўрғончалар, марказий таъмирлаш устахоналари, сут-товар фермалари барпо этилди. Курилиш, агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил топди. Меҳнаткашларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида иккита замонавий санаторий-профилакторий қурилди.

Вилоятнинг экологик ҳолатини яхшилаш чораларини кўраяпмиз.

Атроф-муҳитга ёмон таъсир кўрсатувчи

214 та усукуна ва жиҳозлар иши

тўхтатилди, 5 та цех вактинча ёпилди,

9 мансабдор шахс меҳнат техника нозирлари талаби билан ўз вазифаларидан четлатилди, 47 мансабдор шахсларга жарима солинди. Баҳтсиз ходисаларнинг умумий сони 1990 йилга нисбатан 35 фонзга камайтирилди, шу



**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ** Дўстлик районидаги В. И. Ленин номли давлат хўжалигига кичик корхона ҳамда ширкатлар тузишга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда бу ерда яна бир кичик корхона фаолият кўрсатса бошлади. Атлас тўкишга ихтинослаштирилган ушбу корхона ишчилари келажакда кунига 30-40 метр атлас тўкиши ўз олдиларига мақсад килиб кўйишган.

Жамоатчи фотомухбиримиз Умарали Кўшвоқовнинг бизга йўллаган ушбу фотолавҳасида сиз корхонанинг стакчи тўкувчи Адҳам Қодировни ўз шогирди Еркинӣ Эшмуродовага атлас тўкиш сирларини ўргатадиган пайтими кўриб турибиз.

## ДЕҲҚОНГА МАДАД КЕРАК

Ўзбекистон дехкончилик саноати мажмуй ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси ўтказган давра сұхбатидаги махнаткашларининг хукук ва манбаатларини химоялаш соҳасидаги долларб масалалар муҳокама қилинди. Сұхбатда вилоят, район, шаҳар ҳамда бошлангич касаба уюшмалари кўмиталари раислари, корхона, хўжалик, вазирлик, концерт ва давлат кўмиталари раҳбарлари иштирок этилди. Сұхбат кўмитаси раиси Т. К. Қўшев олиб борди.

Давра сұхбати ҳақидаги бағаси ҳисобот газетанинг кўйинги сонларидан бирда этлон килинади.



## СУЯНСАНГИЗ СУЯНЧИФИНГИЗ БОР

КАСАБА уюшмалари фақат меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб қолмай, уларнинг тураржой ва макшири турмушига оид масалаларини ҳал этишига, соғломлаштириш ва ҳордик чиқаришларини яхшилаш масаласига ҳам ўзининг алоҳида эътиборини қаратмоқда. Район ва бошлангич касаба уюшмаси қўмиталари шу масалалар юзасидан ўзларининг аниқ тадбирларини ишлаб чиқдилар. Шу асосда ўтган йили 153 киши санаторийларда, 67 киши санаторий-профилакторийларда ўз соглиқларини тикилаб қайтдилар, 82 киши касаба уюшмалари ҳисобидан бепул дам олиш ўйларидаги ҳордик чиқардилар, 200 дан ортиқ ишичча хизматчи Украина, Белоруссия, Россия ва Болтиқ бўйи республикаларига, 20 дан ортиқ киши эса Туркия, Польша давлатларига бепул саёҳатларга юборилди. Бу ишлар учун 160 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шунга қарамасдан биз меҳнаткашларнинг соғломлаштириш йўлламмаларига бўлган талаф ба истакларини қондира олмаяпмиз. «Чинобод», «Луначарский» ва «Чимёни» кеби санаторийларга ажратилётган йўлламмалар кам. МДХ ҳудудидаги даволаш масканлари учун йўлламмалар камайган ва бозор иктисодиёти шароитида бу жойларга боришни истовчилар кўпайиб бормоқда.

Касаба уюшмалари нафақат меҳнаткашларни, ҳатто уларнинг оила аъзолари ва фарзандларини ҳам ўз ҳимоясига олиши керак. Ўтган йили бизга қарашни бўлган дам олиш оромгоҳида 400 дан ортиқ болалар дам олди. Таътил ишларининг яхши ўтиши учун дам олиш оромгоҳининг оталик ташкилоти бўйниш Пахтакор пахта тозалаш заводи мавзумияти у ерда жорий ремонт ишларини амалга ошириш учун 10000 сўм маблағ ажратди. 2 минг сўм маблағ ҳар хил ўйинчоқлар олиш учун сарфланди. Ҳар бир боланинг ѿқатланиши учун кунига 1 сўм 52 тийиндан қўшимча маблағ сарфланди.

Соғломлаштириш мавсуми давомида болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш бўйича олиб борилган ишлар аҳволи агросаноат комплекси ходимлари район касаба уюшмаси қўмитасининг дикат марказида турибди.

Оромгоҳ учун давлат ҳўжаликлари ишичча хизматчиларининг марказлаштирилган ижтимоий-суғурта фондидан 40.120 сўм, Пахтакор пахта тозалаш заводи ҳисобидан эса 17.523 сўм сарфланди.

Лекин, шунга қарамай болаларнинг ўтган йилги дам олишлари кўнгилдагидек бўлди деб айта олмаймиз. Болаларнинг дам олишга нисбатан бўлган истаклари ортиб бормоқда, лекин оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга нисбатан бўлган талабларнинг бажарилиши қониқарли эмас.

Бу йилги мавсумда нарх-навонинг ошиб бориши иногатга олиниб, ажратилётган маблағларни қарийб 3—4 маротаба ошириш кўзда тутилоқда.

Ҳозирги кунда давлат ҳўжаликлари ва бошқа корхоналар учун айрим масалаларни мустакил ҳал қилиш имкони яратиб берилди. Давлат ҳўжаликларимиз жамоа шартномаларига асосан ва бошлангич касаба уюшмалари билан келишган ҳолда Тошкент шаҳридаги тиббий олийгоҳлари ва даволаш масканлари билан шартномалар тузиб ишичча хизматчилар соғлигини тикилаш масаласида катта ишларни амалга ошироқмадалар. Шулар асосида ўтган йили районимизнинг 1500 дан ортиқ ишиши тиббий текширувдан ўтказилди ва уларнинг тавсияси билан 500 дан ортиқ киши Тошкент шаҳрининг даволаш масканларида соғлиқларини тикилаб қайтдилар. Ушбу тадбирлар бу йил ҳам давом эттирилоқда.

Район ҳудудидаги 20—25 фоиз аҳолининг ўй-жойга бўлган талаби қондирилди. Ўтган йилларда 1473 оила якка тартибида ўй қуришга муҳтож бўлган бўлса, 3282 оила ўз уйларини кенгаитишига остида эди. Уларнинг шу истакларини инобатга олиб 1236 гектар ер участкалар қуриш учун ажратилиди. Бу эса ҳар бир оиласга 20—25 сотидан тўғри келди. Участка қуриш учун олинган ерларнинг кўпчилигига бутунги кунда янги ўйлар қад кўтарди.

Ҳозирги нарх-навонинг кўтарилиши, албатта бу соҳага ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бугунги кунда ўй қуриш учун олинган ер участкаларининг 25—30 фоизида қурилиш ишлари жуда секинлик билан бормоқда. Бунинг сабаби, ҳаммамизга маъмур бўлган қурилиш материалларининг етишмаслиги бўлса, иккинчидан уларнинг қимматлигидир.

Лекин, шу муаммоларга қарамасдан касаба уюшмалари қўмиталари маъмуряят билан ҳамкорликда унинг йўл-йўриклирни излаб топмоқдалар ва шу соҳага оид аният режаларни тузиб чиқдилар.

1991 йилда деҳқончилик саноати мажмую ҳодимларига 3000 квадрат метрдан ортиқ ўй-жой қурилди. Лекин бу қурилган ўй-жойлар аҳолининг талабини ҳали қондираётгани йўқ. Ўй-жой олиш учун ҳозир 350 дан ортиқ оила навбатда турибди, улардаги жон сони эса 1300 дан ортиқ кишини ташкил этади.

Тўрги, бу муаммоларни ҳал этиш буғунги кунда осон эмас. Шунинг учун кандай бўлмасин бу масалаларни ҳал этиш барчамизнинг, касаба уюшмалари қўмиталарининг асосий бурчи деб ҳисоблаймиз.

**Убайдулла НИЗОМОВ,**  
Деҳқончилик саноати мажмую ҳодимлари  
касаба уюшмаси Пахтакор район қўмитаси раиси.

## ХИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

\*Инсоннинг ҳар қандай шароитда ҳам ўзини қўвноқ, шодон тута билиши унинг келажакка бўлган ишончидан нишона.

\* Инсон ўзидаги яхши фазилатлардан бошқаларни баҳраманд эта олгандагина одамларга ўз таъсирини ўтказади.

\* Инсоннинг қадр-қиммати унинг ақлий ва жисмоний меҳнатига қараб эъзозланади, бу меҳ-



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ Жиззах районидаги Х. Носиров номли жамоа ҳўжалиги иссиқхонасинынг 2 гектар майдонида лимонзор барпо этилган эди. Лимончи Одилжон Абдуябборов 18 тонна лимон етишишини режалаштирган.

Суратда: иссиқхона агрономи Хидиров ҳамда ижарачи Одилжон Абдуябборовлар дастлабки ҳосил билан.

Умарали ХУШВАҚТ олган сурат.

**Л**ИМОНАРИЙГА кирдию Шукурали аканинг иситмаси чиқиб кетди. Чаккаларига оғриқ кирди. Қани энди ўзидан олдин ишлаган одам рўбарў бўлса-ю юзларига шапалоқ тортиб юбориб, хуморидан чиқса. Аҳир одам ҳам шундай ишлайдими?

Лимонариий 1979 йилда ташкил килинган эди. Унинг ташаббускори жамоа ҳўжалигининг ўша пайтдаги раиси Ўқтам Оқмирзаев эди. Йиғи лимонариийга мутасаддилик меҳнат фахрийси, пенсипер Шукурали Мингбоевга топширилди.

давлатга сотилди. Мактаб, боғча уруশ ҳамда меҳнат фахрийларига бепул берилган ҳосил бунга кирмайди.

Ана шу лимонзор 1991 йилда уч юз кило ҳосил берибди. Шунинг учун жамоа ҳўжалиги раҳбарлари бундан бир неча йил аввал лимонариийни ташлаб кетиб, уйида дам олаётган Шукурали Мингбоевни яна аввалги иш жойига қайтаришга қарор қилдилар. Шукурали ака олдинига кўнмади. Шунда раис Абдурашид Турдиев илтимос қилди: ҳеч бўлмас маслаҳатингизни беринг. «У ана шу йўсинда ичкарига

Наврўз байрами куни «Воёвут» жамоаси ҳўжалигига бориб Шукурали Мингбоевни суриштирдик. Уни лимонарийда дейишиди. Бордик. Миришкор иш устида экан. Билдикки, қайфи чоғ. Чунки лимон дараҳтларини босиб ётган оғир юкларни батамом йўқотиб, уларнинг касаллигига шифотопиби. Кечагина қоп-қора бўлиб ётган барглар бугун ям-яшил, Шукурали Мингбоевнинг кўнгли эса худди баҳор кунларидай мусаффо. Ўғли Қутбиддин Мингбоев энди ёнида, лимончилик сирларини ўрганяпти. Ҳадемай бу ишни мустақил улдалай бошлайди.

Айтмоқчи, Шукурали ака савоб бўлади деб юзлаб лимон кўчатлари тайёрлаб қўйди. Негадир кўчат сўраб келувчилар бўлмади. Шукурали ака шундан диккат. Тўртта темирними, ёғочними тагини ерга кўмиб тепасини бирбига етказиб боғласангиз лимонариий ҳосил бўлади. Эҳ, одамлар, шунга ҳам эринишадия. Нашотки лимон фақат нодир мева эмас, қон босими ошишининг, яна қатор дардларнинг шифоси эканини тушунмаса.

Бунга фақат Шукурали ака эмас, боз агроном Абдурашид Эшонқулов ҳам ҳайрон. Ўн сотих ерда плёнка остида памидор, карам, булғор қалампир, бақлажон кўчватлари ўстирилди. Хоҳловчилик бўлса, текинга берилади. Ҳеч ким келмади. Бу ҳам лоқайдликнинг, ҳамма нарсани бозордан сотиб олаверамиз, деган иллатнинг оқибатига ўхшайди.

Ҳафа бўлманд, Шукурали ака, янги даврнинг тўлқини аста-секин ҳаммамизини қамраб олади. Одамлар ишчанлигни, тадбиркорлик ва ҳисоб-китобни ўрганиб оладилар. Ўшанда сиз ҳам бош агроном Эшонқулов ҳам кўчат итказиб беролмасдан шошиб қоласизлар. Ўша кун яқин.

**Саминжон СУЛТОНОВ,**  
Сирдарё вилоятининг Гулистан  
райони.

## ЎША КУН ЯҚИН

Шу ўринда Ўқтам Оқмирзаевнинг қобилиятили инженер эканligини эслатиб ўтсак, ортиқча бўлмас. У янгилик яратувчилар бутуниттифоқ давлат қўмитасининг дипломига сазовор бўлган. Лимонариий яратишда ҳам бошқаларнинг эсига келмаган оддий ва арzon тушадиган усулни кўлади. Ҳўжалик ерларининг Бекобод районига туташ жойида катта тепалик бор эди. Шу тепаликда бульдозер ёрдамида ҳар бирининг узунлиги 70 метрдан ҳандақлар қазитди. Ҳандақ кенг бўлганлиги учун ўртасига бир қатордан лимон кўчати ўтказилиб, тепаси оддийгина қилиб ёпилди. Ҳар бир ўрага бир неча лампочка кўйилди, тамом. Лимонариий иссиқлиз ўтказишнинг ҳам ҳожати қолмади.

Гапнинг қисқаси, Шукурали ака шу кичик ҳўжаликни юргиза бошлади. Дастваб иккита ҳандақдан иборат бўлган лимонзор кейинчалик олтитага етказилди. 1985 йилга келиб бу кичик ҳўжаликдан уч ярим тоинна ҳосил олиб

нат жамиятининг гуллаб-яшинашига пойdevor бўлади.

\* Инсон ҳалол меҳнати ва оқибати билан оламга танилади.

\* Ҳамманинг нияти яхши бўлгандагина жамият согломлашади.

\* Камбағаллик айб эмас, ақлсизлик, илмсизлик айб.

\* Илмсиз дунё қоронгу гўрга ўхшайди!

\* Инсонга инсоннинг ишончи ошгандагина ҳаёт осойишта бўлади.

Абдураҳим УМАРИЙ.

### ТАЙЁРЛОВЧИЛАР:

Турсун Кўшаев, Камолжон Шодиметов, Босит Акбаров, Алишер Ҳакимов.



# Биздан сўрабсиз

Саволларга Ўзбекистон Республикаси соглиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Ыўмитаси раиси Озода Йўлдошевна АБДУЛЛАЕВА жавоб беради.

???

Мен Учқудук шаҳридаги 2-тиббий-санитария қисмида врач-рентгенолог бўлиб ишлайман. Кўп вақтлар рентген хонасининг мудири вазифасини ҳам бажарганман. Мен имтиёзли нафақага чиқишим мумкинми?

Ж. В. Корниева.

Сизнинг имтиёзли шартлар асосида ва имтиёзли миқдорда нафақа тайинлаш тўғрисидаги саволингизга жавобан шуни маълум қиласизки, сабиқ СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 26 январдаги 10-сонли қарори билан тасдиқланган I-рўйхатга мувофиқ шифокор-рентгенологлар — эркаклар 50 ёшга тўлганда ва камидаги 20 йилиш стажига эга бўлиб, шундан камидаги 10 йил меҳнат шароити зарарли ишларда ишлаган бўлса; аёллар 45 ёшга тўлганда ва камидаги 15 йил иш стажига эга бўлиб, ундан камидаги 7,5 йил меҳнат шароити зарарли ишларда ишлаган бўлса, уларга имтиёзли шартлар асосида ва имтиёзли миқдордаги пенсияга чиқиши ҳуқуқи берилади. Лекин бунинг учун ходим I-рўйхатда кўзда тутилган ишлар билан тўлиқ иш куни мобайнида шуғулланган бўлиши шарт. Бу ходим ишлаган иш жойи аттестациядан ўтказиш натижалари билан тасдиқланиши лозим.

Хатингизга қараганда сиз иш вақтининг 50 фоиз ҳажмида ишлагансиз, шу боисдан социал таъминот бўлими сизга имтиёзли шартлар асосида ва имтиёзли миқдорда нафақа тайинлаши учун 1982—85 йиллардаги иш стажингизни ҳисобга қўшмаганлиги асосидир.

???

Мен 1980 йил институтни тамомлаб Шўрчи районидаги касалхонанинг болалар бўлимида врач бўлиб ишлаб келаётган эдим. Бизларга янги бош врач ўринбосари тайинланди-ю у киши мени болалар бўлимидан поликлиникага ишга ўтказиб юборди, ҳатто болалар бўлимига навбатчиликка ҳам қўймади. Шу ҳам адолатданми?

Гулчеҳра Намозова,  
Сурхондарё вилояти Шўрчи  
ноҳияси марказий шифохонаси  
шифокори.

Мактубингизни батафсил ўрганиб чиқдик. Унда ноаниқликлар кўп. Нима учун бош врач ўринбосари Сизни болалар бўлимидан поликлиникага ўтказиб юборган? Нима учун бош врач ўринбосари бу ишни ҳал қиласиди, ахир бош врач бор-ку? Сиз доимий ишгами ёки вақтингчалик ишга ўтказилганимисиз, бу ҳам ноаниқ.

Навбатчиликка қўйиш масаласида бош врачга мурожаат қилганимисиз?

Бу ноаниқликларни текшириб, тўғри хулоса чиқариш учун Термиз шаҳри Больничная кўчаси 8-йида жойлашган вилоят согликни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

???

Фориш райони тиббий-санитария қисми туғруқхона бўлимида доя бўлиб ишлайман. Эрим 1979 йилда вафот этган, милиция ходими бўлиб ишлаган эди. У кишига нафақа тўланади. Қарамогимда 4 фарзандим бор. 18, 16, 14, 11 ёшда. Уларга 1991 йилги Президент фармони ва қарорлар асосида ҳеч қайси идорадан нафақа ололмадим. Энди нима қиласи?

Сожида Абдуллаева,  
Жizzax вилояти Фориш райони  
тиббий-санитария қисми.

Сизнинг болаларга нафақа тайинлаш хусусидаги саволингизга жавобан шуни маълум қиласизки, бу ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг (стипендия олмайдиган ўқувчилик 18 ёшгача) ҳар бири учун 40 сўмдан нафақа тўланади. Мазкур нафақа амалдаги социал таъминот тизимида кўра бошқа турдаги нафақа ёки пенсия олмайдиган болалар учун ҳамда жон бошига тушадиган ўртача даромад ойига 700 сўмдан ошмайдиган оиласалардаги болалар учун тайинланади.

Шунингдек, болалар учун мўлжалланган моллар нархлари ошиши муносабати билан болаларга мақсадли тўловлар тўланади. Бу тўловлар бу ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун йилига 440 сўм. Еши 13 дан ошган, кундузги умумтаълим мактабида ўқийдиган ўқувчилар учун йилига 530 сўм қилиб белгиланди. 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган, стипендия ёки иш ҳақи ёхуд ногиронлик пенсияси оладиган болалар учун товон пули миқдори 280 сўмни ташкил этади. (Асос: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1992 йил 22 январдаги 20/ 52 сонли мактуби).

Сизнинг мисолингизда агар болаларнинг оталари вафот этганлиги муносабати билан пенсия олмаётган бўлишса, бу ҳолда уларнинг ҳар бири учун ойига 40 сўм миқдорда нафақа тўланиши керак.

???

Мени 2 нафар фарзандим бор. Мен иккинчи фарзандим учун декрет таътилига чиққанимда биринчи ўғлим ҳали бир ёшда эди. Мен иккинчи ўғлимга декрет таътили ҳисобидан нафақа олиш билан бир қаторда биринчи ўғлим учун тўланадиган 110 сўмлик нафақани ҳам олишга ҳаққим борми?

Кейин 60 сўмлик товон пули 1991 йил август ойидан 100 сўмга кўтарилиган эди. Нима учун биз бу ҳуқуқдан фойдаланишига ҳақсизмиз?

Нодира Жўраева,  
Тошкент шаҳар Киров  
районидаги 28-дориҳона  
доришуноси.

Бола 1,5 ёшга етгунча уни парваришлаш учун ойига 110 сўм миқдорида нафақа ва 60 сўм миқдорида товон пули тўланади. 60 сўмлик товон пулига 40 сўм қўшиб тўлаш масаласини маъмурият ўзида қанча маблаг борлигига қараб ҳал қиласиди.

Сизнинг 1,5 ёшга тўлмаган иккича фарзандингиз учун ойига 110 сўмдан 220 сўм нафақа ва ўзингизга ойига 60 сўм товон пули тўлашниши керак.

Асос: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1992 йил 22 январдаги 20/ 52-сонли изохи.

???

Мен дорихонада санитарка бўлиб ишлайман. Ҳомиладорлик ва қисман ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чиққан пайтимда иш вазифамни ярим ставкага келтиришибди. Бу ҳақда ҳеч ким мени огоҳлантиргаган. Ишга қайтгач, мендан чегириб олинган ярим ставкада ҳали ҳеч ким ишламаётганлигини билдим ва шу вазифани ҳам қўшиб, ишимни аввал гидек бир ставка қилиб беришларини сўрадим. Лекин бунга рад жавобини олдим. Шу тўғрими?

Ахир ҳозирги шароитда беш фарзандни ярим ставка иш ҳақи билан боқиб бўладими? Наҳотки, меҳнат таътили пайтида одамни ишдан маҳрум этиши тўғри бўлса.

Фардагул Туробова,  
Самарқанд вилояти Қўшробот  
туманидаги Очил Қодиров номли  
жамоа хўжалиги, Рабоб қишлоғи.

Саволингиз хусусида қўйидагиларни маълум қиласиз:

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари мажмуасининг 18-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси меҳнаткашлар билан корхона-муассаса ўртасидаги битим бўлиб, бу битимга кўра меҳнаткашлар муайян ихтинос, малака ёки лавозимга оид ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда бажариши ўз зиммаларига оладилар, корхона, муассаса эса меҳнат қонунларида, колектив шартномада ва тарафларнинг ўзаро битимида кўзда тутилган иш ҳақини меҳнаткашларга тўлаб туриш ва меҳнат шароитини таъминлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Шундай экан, муассаса маъмурияти бир томонлама ишчи, хизматчи билан келишилмаган ҳолда меҳнат шартномасини ўзгартиришга ҳақли эмас. Демак, Сизга бир ставкали ишингизни бериши керак.

Агар маъмурият томонидан бу талабингиз бажарилмаса, меҳнат низомларини кўрувчи комиссияга, касаба уюшмасига ва ҳалқ судига ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

## ТЕЗ ВА МАЛАҚАЛИ ЖАВОБ ОЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

**ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!** Ҳар куни сизлардан кўплаб хатлар олиб турибиз. Уларнинг аксариятида меҳнат, ҳуқуқ, нафақа, имтиёз ва бошқа масалаларда рўй берадиган чалкашларнига аниқлик киритиш, меҳнаткашларнинг манбаатини химоя килувчи қонунлардан боҳабар этиш, баҳсли масалаларни ажрим қилиш сўралаянти.

Илтимосингиз бўйича ҳар бир саволни ваколатли ташкилотларга юбориб юридик жиҳатдан асосли жавоб олишга ва газета саҳифалари орқали ёритиш ёки хат шаклида сизга етказишга ҳаракат қилимокдамиз.

Лекин келаётган саволлар шунчалик кўпки, аксари ҳолларда уларга ўз вақтида жавоб беришининг имкони бўлмаяти. Шунни ҳисобга олиб «Биздан сўрабсиз» саҳифасининг тижорат сонини ҳам тайёрлашин маъкул кўрдик. Агар сиз ҳаётини мухим аҳамиятга эга бўлган саволингизга тез, мукаммал ва юридик жиҳатдан асосли жавоб олишини истасангиз «Ишонч» газетаси ҳисоб ва рақасига олдиндан 20 сўм ўтказишингиз ва квитанцияни саволингиз ёзилган хатга қўшиб бизга юборишингиз керак. Ташкилотлар эса ҳар бир савол учун 30 сўм тўлашлари лозим.

Имкониятингиз даражасида хизматимизнинг мана шу ишончли хилидан ҳам фойдаланиши маслаҳат берамиз:

«Ишонч» газетаси ҳисоб ва рақасини маълум қиласиз: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат, дехқончилик банкидаги 000363601—ҳисоб ва рақаси «Ишонч»га тегиши. Банк коди 17268403.

Саволларингизни кутамиз.



«ИШОНЧ» АНКЕТАСИ

РАҲБАР СИЙМОСИГА  
БАЪЗИ ЧИЗГИЛАР

АКСАРИЯТ ҳолларда мартабаси баландлашиб бораётган шахслар шаънига мақтоворлар ёғилади. Уларнинг таржимаси ҳоли билан таниширилаётганда ҳам, уларга тафсифнома ёзилаётганда ҳам фақат фазилатлари бўрттирилиб, камчилеклари хастпшланади — медалнинг олд томони кўрсатиласди. Замонинг зайн билан, гардуннинг гардиши бир айлануб ўша раҳбар ўтирган курсининг нишаби қўйига тушар-тушмас юқоридаги гаплар энди мутлақ бошқа рангга бўялиб ўша медалнинг орқа томонидан кўрсатиласди. Оқлашми — оқлаш, кўклишми — кўклиш, қоралашми — қоралаш! Хатто кечаки оқловчилар энди кимўзарга қоралашга ўтишади. Бебурдикнинг илдизи ана шундок учрийди. Аслида кўтарилган ҳам, қулаган ҳам айбор дэрас. Холисликдан узоқлашган кўз айбор. Ҳар бир инсон жамиятнинг бир ҳужайраси экан, бошга қилич келганда ҳам тўғри сўзни айтсанни жамият покланади. Қайсики жамиятда дор тагидан қочганлар кўп бўлса, маънавий қашшоқлик ана шу жамиятдан бошлади.

Ҳар қандай моддий ва ижтиомий қашиоқликнинг ўзаги инсоннинг қалбидан бошланади. Демак, ўлчов адолатнинг мезони — ҳақгўйликдадир. Дунё дунё бўлибдик, тарозининг иккни палласи. Инсон кечишишларини битадиган иккита фариштаси бор. Камалак рангдан бежиз икки ранг — оқ ва қора бўртиб турмайди. Демак раҳбар, ҳақида очиқ-ойдин гапириб тўғрисини ёзишга ҳар кимнинг маънавий ҳуқуқи бор. Ҳуқуқ — инсон эрки дегани.

«Раҳбар сиймосига баъзи чизгилар» руқнини очишдан мақсад мардлик фазилатлари йўқ кишиларда шу хислатларни шакллантириши, мана шундай сифатларга эга бўлганларда эса янада уни ривожлантиришдан, раҳбар одамларга нисбатан ҳаётида турланувчи йўл тутеан бирордларларга бироз бўлсада ички йўлов солишидан иборатдир.

1. ТАРЖИМАИ ҲОЛИДАН  
БИР ШИНГИЛ

Раҳбарнинг ўзи тўлдиради

(Истамаган саволларга жавоб бермаслиги мумкин)

1. Фамилияси  
исми  
отасининг исми  
тахаллуси
2. Маълумот бўйича касби
3. Туғилган жойи, йили, ой-куни
4. Отаси, онаси ва ўзининг миллати
5. Партияга муносабати
6. Қайси уюшмага аъзо?
7. Депутатликка сайланганми?
8. Оила аъзолари ҳақида кисқача маълумот
9. Жамғарма пули борми?
10. Турар жойи сатҳи, неchanчи қаватда,  
қаерда туради.
11. Дала ҳовлиси борми қаерда ва унинг саҳни
12. Оиласа шахсий енгил машинаси борми? Маркази.  
У кимнинг номида
13. Чет элда кимлари бор.

(Раҳбар имзоси).

2. РАҲБАР ҲАҚИДА  
ДЎСТЛАРИ, ҲАМҚАСБЛАРИ ВА  
ТАНИШЛАРИНИНГ БАҲОСИ

(5 балли тизимда баҳоланг)

Раҳбарнинг  
хислатлариЎз ишхонасидагилар  
баҳоси

1. Масалаларни нечоғлик одиллик билан ҳал қилади
2. Одамийлиги
3. Ташкилотчилиги
4. Талабчанлиги
5. Ишбилармонлиги
6. Лавозимига лойиқлиги
7. Одамларни тинглай олиш кобилияти
8. Ўз манфаатини ўлаш даражаси
9. Ўзгалар (халқ) манфаатини ўлаш даражаси
10. Кийиниши, ўзига қараб юриши
11. Аёлларга муносабати
12. Ўзидан катта амалдорларга муносабати
13. Ўзидан кичик лавозимда-гиларга муносабати.

Изоҳ: 1-анкетага раҳбар, 2-анкетага жамоа аъзолари жавоб берадилар. Ким қандай баҳо бергани сир тутилган ҳолда қўйилган балларнинг ўртаса натижаси газетада эълон қилинади.

Ушбу анкета саволларига жавоб олиш ва умумлаштириб муҳаррирларга ўйлассин жойлардаги касаба уюшмалари қўймиталари раҳбарларидан сўраймиз.

«ИШОНЧ» МУҲАРИРИЯТИ.

Тарихий номларни тиклаш бўйича Тошкент вилоятида олиб борилаётган ишлар кишини мамнун этади. Янги йилдан бошлаб Ғалаба районига ўзининг қадимги номи — Куйи Чирчик қайтарилиди. Коммунистик райони эса Юкори Чирчик деб атала бошлади. Бундан ахоли хурсанд. Ахир ҳам қадимий, ҳам худуднинг асл жўғрофий ўрнидан келиб чикиб қўйилган номларга нима етсин!

Наврўз арафасида Куйи Чирчик райони бўйича миллий номлар яна саккизтага кўпайди. Энди сабик «Коммунизм» қишлоқ шўроси — Кўргонча, Благовещенко

## ЎЗБЕКОНА НОМЛАР ҚўПАЙСИН

киладиган ялтирок номлар ўрнига ўзимиздан чиқкан алломалар, миллий қаҳрамонлар, ўша жойларга меҳнати синган, ҳаётини баҳш этган фарзандлар номи тикланётганини қандай яхши.

Лекин бу борада ҳали кўп жойларда ҳамон сусткашликка, ланжликка йўл қўйилётганиниги кишини афсулантиради. Улар қўйичириклилардан ибрат олишса арзиди.

А. ДАМИНОВ.



Самарқанд. Вилоят ҳайр-эхсон ва саломатлик фонди бўлими ноҷор ва бокув-чисиз қариялардан 220 кишига бепул ҳайрия тушлиги улашди.

Тушлика тўпланганларга «Ганжина» дастаси ҳамда полиграфия билим юрти бадиий ҳаваскорлари иштирокида концерт қўйиб берилди.

Суратда: ҳайрия тушлиги пайти.

Сураткаш Р. ФОФУРОВ (ЎЗА фотохроникаси).

ШУ МАЪЛУМОТНОМА  
ЗАРУРМИ?

Қаерда ишласангиз ҳам йил бошида бухгалтериядагилар сиздан оила аъзоларингиз ҳақидаги маълумотномани талаб қилишади. Бу сиздан ушланадиган кўпдан-кўп солиқлар миқдорини аниқлаш учун керак бўлармиш.

Сиз дарҳол ўзингиз яшаб турган маҳаллий Шўро томон ошиқасиз. У ерда ҳам сизга ўҳшаган кўплаб одамлар навбатда турган бўлади. Қанча вақт, қанча асаб керак бўлади. Үндан кўра бухгалтериядагилар болаларингизнинг тугилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни кўриб, шунга қараб иш қилишса бўлмайдими? Бизнингча бўлади.

Хозир қоғознинг баҳоси 10—20 баравар ошиб кетганини кўпларимиз яхши биламиз. Ишхоналарга эса йилига маълумотномалардан минглаб керак бўлади. Эсиз, қогоз! Уни босмахонада чоп эттириш учун қанча-қанча пул ҳам тўланади. Котибларнинг қўли муттасил маълумотнома ёзавериб қаварип кетади... Хуллас, шундай маълумотномалар керакми, ўзи?..

Ҳўжамурод ТОШТЕМИРОВ,  
Ангор районидаги «Илгор» газетаси  
муҳаррирининг ўринбосари.

АРЗИМИЗНИ  
КИМ ТИНГЛАЙДИ?

Мен яшайтган қишлоқнинг ташкил бўлганига 13 йил бўлди. Шу вақтга қадар қишлоғимизга ном берилмаган. Катта йўлдан бизнинг қишлоқчача бўлган З чақиримча масофа ҳам ҳанузгача асфалт қилинмаган. Қўча ёзда чанг, қишида лой. Бу ҳақда «Қизил Октябрь» жамоа ҳўжалиги раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин араймизни тинглайдиган раҳбарни шунча йилдан бери топа олмаяпмиз.

Шунинг учун ишонч билан «Ишонч» газетасига мурожаат қилаяпмиз.

Мамат ҚАЮМОВ,  
Сурхондарё вилояти,  
Кумкўргон райони.


